

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

391 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 4 июндаги ПҚ–1771-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 4 июндаги ПҚ–1771-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 10 август,
244-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 10 августдаги 244-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонни амалга ошириш масалалари ҳақида» 1995 йил 28 октябрдаги 415-сон қарорида:

а) 1-илованинг «Тошкент шаҳри» бўлимида:

«М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти» сўзлари «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

«А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг III бўлимидаги «М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти, А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти»

ти» сўзлари «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Мустақиллик куни ва Наврўз умумхалқ байрамларига тайёргарликни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 23 июлдаги 357-сон қарорига иловадаги «М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти ректори» сўзлари «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда) 2-илованинг 9-бандидаги «Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти» сўзлари «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон кутубхона тўғрисидаги намунавий низомни ҳамда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ва кутубхоналарда тўлиқ матнли электрон ахборот-кутубхона ресурслари фондини яратиш режа-жадвалини тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 5 июлдаги 198-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 7-сон, 62-модда) 2-илованинг 12-банди «Молиялаштириш манбалари, млн сўм*» устунидаги «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Тошкент давлат маданият институти» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Тошкент ахборот технологиялари университети» сўзлари билан алмаштирилсин.